

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 316-гуруҳ курсанти Эшмуровдова
Мадина Тохир қизи

«Энг катта баҳт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиласиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, баҳтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша баҳтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев

Мамлакат тараққиётини ҳаракатга келтирувчи асосий ҳужжат — Бош Қомусимизда оила масаласига алоҳида урғу берилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Конституциямизда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёс. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳиссий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Яъни оила маънавий жиҳатдан бутун бўлсагина, мустаҳкам бўлади. Мустаҳкам оилалардан ташкил топган мамлакат эса, албатта, қудратли бўлади. Оила кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари оиласий муносабатларни тартибга солиш, оиласий ажримларнинг олдини олиш, нафақат эр-хотин, айни чоғда вояга етмаган фарзандларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Жамиятимизнинг ривожланиши, авваламбор соғлом оилада тарбияланиб келаётган ёш авлоднинг ўсиб камолга етиши, маънан етук бўлиб керакли билим ва малакаларни егаллаб мамлакатимиз ривожланишига қўшган ҳиссаларида ўз аксини топади.

Албатта, жамиятнинг энг оғриқли нуқтаси – барбод бўлган оилалар хусусида сўз борар экан, бегуноҳ фарзандлар тақдири кишини беихтиёр ташвишга солади. Негаки, ота-онанинг ажралишидан мурғак қалб эгалари ҳаммадан кўпроқ азият чекади, кўнгли кемтик ҳолда улғаяди. Тан олиш жоиз, маънан етук бўлмаган шахс ҳаётда ўз ўрнини топиш, касб танлаш, ижтимоий ҳаётга мослашиш, тенгдошлари, кенг жамоатчилик билан мулоқотга киришиш борасида кўп қийинчилкларга дуч келади.

Оиласий ажримлар бугунги кунда жамиятимизда долзарб муаммо даражасига етди. Юртимизда жар ёқасига келиб қолган оилаларни асраб қолишга, болаларни тирик етим, оналарни тўл қилмасликка жиддий эътибор қаратиляпти. Маҳалла фаоллари, диний уламолар, маънавият ва маърифат тарғиботига дахлдор ташкилотлар ва кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларига қарамай, афсуски, оиласий ажримлар сони кескин камаймаяпти.

Хўш, юқоридаги ҳолатларни юзага келмаслиги учун нималар қилиш керак, авваламбор мамлакатимиз таянчи ҳисобланган оилаларда оилавий ажримларни олдини олиш ва оилавий низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш ва уларни бартараф етиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Оиладаги низоли ҳолатлар ва оилавий ажримларнинг оқибатлари ўрганилганда қўйидагилар сабаб бўлаётганлигини кўришимиз мумкин:

моддий етишмовчилик,
учинчи шахс аралашуви,
бефарзандлик,
жуфти ҳалолига хиёнат,
узоқ вақт бирга яшамаслик,
ўзаро бир-бирини тушунмаслик.

Тан олиш керак, оилаларнинг бузилиб кетишига қайнона-келин муносабатларининг ёмонлашуви, ачинарлиси, жаҳл устида айтилган биргина аччиқ гап ҳам сабаб бўлмоқда.⁸²

Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, дилбандининг баҳтли ҳаёт кечиришини истаган соғлом фикрли ҳар бир ота-она юзага келган келишмовчиликни оғир-вазминлик ва чуқур мушоҳада билан ҳал этиши, турмуш қийинчиликларини енгиб ўтиши, оила аъзоларининг баҳтли турмуш кечиришларини таъминлаши шарт ва зарур. Кези келганда шуни ҳам айтиш ўринлики, оилавий ажралишларнинг салбий оқибатлари нафақат собиқ эр-хотинлар ҳаётида, балки уларнинг меҳнат фаолиятида, жамият ва давлат миқёсида ҳам муайян бўшлиқни юзага келтиради.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оиласи парокандаликка юз тутган шахсларнинг аксарияти носоғлом турмуш кечиришга одатланган. Табиийки, бу унинг саломатлиги, хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Яна ҳам аниқроғи, ёлғиз яшаш оқибатида ичкиликни, тараллабедод ҳаёт кечиришни одат қилган шахслар кўпгина ҳолларда турли ҳуқуқбузарлик содир этишдан, жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этмаслиқдан ўзини тия олмайди, ўзининг ҳатти-ҳаракатини назорат қилишни сусайтириб юборади. Қолаверса, фарзандидан алоҳида турмуш кечира бошлаган ота ёки она зиммасидаги масъулиятни ҳам секин-аста унутади. Натижада вояга етмаган болаларнинг моддий таъминоти учун алимент ундириш билан боғлиқ муаммо юзага келади. Бу ўз-ўзидан тегишли давлат органларининг иш юкламаси ортишига сабаб бўлади. Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун оилаларнинг барбод бўлишига йўл қўймаслик, ажралишларнинг сабабларини аниқлаш ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан муайян чора-тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.⁸³

⁸² Умида ЖАЛИЛОВА, Сергели тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.

⁸³ Отабек Мухаммадиев, Жиноят ишлари бўйича Тошкент тумани суди судьяси

Беморни даволашдан кўра касалликнинг олдини олиш осон кечганидек, барбод бўлиш арафасидаги оилани тиклашдан кўра оила қуриш арафасидаги ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳар жиҳатдан афзалроқдир. Бу борада профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган маъмурӣ худудларида маҳалла раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси билан ҳамкорликда барча никоҳ ёшига етган ўғил-қизларни рўйҳатини шакллантириб, ўша ёшларни оилага тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Авваламбор, никоҳ ҳар доим иккала томоннинг розилиги асосида бўлиши таъминланиши лозим. Янги турмуш қурган ёшлар бирга яшаб, бир-бирларини ўрганиб, тушуниб олишлари учун вақт лозим. Бу орада турли келишмовчиликлар бўлиши табиий. Шундай ҳолатда атрофдагилар майдо-чуйда келишмовчиликларга ҳам аралашавермаслиги, ёшларнинг ўзлари ҳал қилишларига қўйиб беришлари керак. Чунки кўпинча бирорларнинг нотўғри аралашуви оиланинг бузилишига олиб келади. Шу боис профилактика инспекторлари маъмурӣ худудидаги барча ёши катта фуқаролар (қайнота-қайнона, қайнопа-қайнининг, қайнака-қайнукалар) ўртасида оилавий муносабатларга ноўрин аралашувини олдини олиш бўйича давра сұхбатларини ташкилластириш лозим. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисида кодексга оилавий муносабатларга ноўрин аралашганлик бўйича жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Никоҳланувчиларнинг аввало, иш билан банд бўлишга интилиши, иккинчидан, оиласини моддий таъминлаш мақсадида ишлаш учун узоққа кетишга оид истаклари кейинчалик бошқа омиллар таъсирида оиланинг бузилишига олиб келган, дейиш мумкин. Эр-хотинни иш билан таъминлаш, оила бюджетини қўшимча даромад эвазига мустаҳкамлаш сингари муаммоларни бартараф этиш у қадар мушкул эмас, яъни ечимини топиш мумкин бўлган масаладир. Фақат юқорида таъкидланганидек, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши бундай муаммолар ечимининг асосий қалитидир.⁸⁴

Бу каби масалаларни олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор, диний қўмита, маҳалла раиси ва фаоллари, шунингдек фуқаролар билан тизимли ҳамкорликнидоимий равишда амалга оширишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, оилани асраб-авайлаш, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ажрашиш арафасидаги оилаларни яраштириш энг эзгу амаллардан ҳисобланади. Шундай экан, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш, эр-хотинни ўзаро муросага келтириш борасида нафақат судлар, балки кенг жамоатчилик ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатиши жамиятимиз ривожига муносиб улуш қўшиши шубҳасизdir.

⁸⁴ Мухаммади Маматов, Олий суд бош консультантини,

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Назаров А. Оила-турмуш муносабатларида зўравонликни олдини олиш муаммолари. // *Davlat va huquq.* –Т., 2004, №4 (20) –Б. 44.

Абдуллаева Д. Оила мухофазаси барқарорлиги. *HUQUQ VA BURCH.* №7, –Т., 2008. –Б. 51.

Ниёзова С. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олиш. / Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари журнали. – Т., 2016. №4 (76). – Б. 41.

Хўжақулов С.Б. Шахс ижтимоий хавфилигининг жиноят-ҳуқуқий институтларга таъсири // Жиноят ҳуқуқининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Т., 2014. –Б., 173.

Тоштемиров А. Никоҳдаги шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг диний ва дунёвий талқини // Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами / Масул мұхаррир: Ш.Т.Икрамов – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. –Б. 202.

Ўразалиев М.Қ. “Алкоголизм” ва “ичкилиkbозлик” тушунчаси бундай иллатларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида // Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси Ахборотномаси. –2014. –№3. – Б. 55.

Зокирова О.Г. Мативи рашк бўлган жиноятлар ва криминоген вазият // *Davlat va huquq.* –Т., 2002, №1 (9) –Б. 66.

Инамджанова Г. Ўзбекистон республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида: Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни мухофаза қилишининг концептуал масалалари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2016. –Б. 42.